
ЙЎЛЛАР СОЗ—ТАШВИШ ОЗ

Айни кунларда Яйпан шаҳар Туркистон кўчаси бўйлаб, яъни Оқтепа маҳалласидаги чорраҳадан Пасткиқўриқ қишлоғи йўналиши бўйлаб давом этган йўлда картасимон таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси йўлсозлари ушбу ҳудудда жойлашган А.Навоий номли маданият ва истироҳат боғига туташ бўлган Улуғбек кўчасининг маълум қисмида ҳам мазкур таъмирлаш ишларини давом эттиришади.

Манзилли дастур асосида эса, шу кеча-кундузларда Шакаробод МФЙ Наврўз кўчасининг 2000 кв. метрини асфальтлаштириш ишлари давом этмоқда. Нурсух МФЙ нинг Қақир-2 кўчасида белгиланган 1400 кв.м қисми тўлиқ асфальтлаштирилди.

Дастур асосида ҳам туман йўлсозларининг бир гуруҳи тез кунларда Кушқўноқ, Элчи, Комилчўли ва туманнинг энг олис ҳудудларидан бири Охта Тағоб МФЙнинг Ўрмонобод қишлоқларидаги йўлларни обод этиш ишларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-10-05 17:48:52